

IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

IJORCES

**International journal of conference series on education
and social sciences. (Online)**

November 2023

Science Editor: **Cetin Avcı**
(*Kadir Has University*)

Copyright © 2023

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at ijorces.org

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munevver Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN
Electronic Journals

Universal
Impact Factor



ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА АТЕРОСКЛЕРОЗ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ДАСТЛАБКИ БЕЛГИЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Саидова М.М., Ҳамроева Ю.С.
Бухоро давлат тиббиёт институти

Мақсад. Тизимли склеродермия касаллиги билан оғриган беморларда атеросклероз ривожланишининг эрта прогнозини аниқлаш мақсадида умумий уйқу артериясининг интима медиа қалинлиги (ИМК) кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот Тизимли склеродермия (ТСД) касаллиги билан оғриган 35-60 ёш орасидаги 98 нафар беморларда олиб борилди. Текшириш жараёнида юрак-қон томир касалликлари учун хавф омилларини ўрганиб чиқилди. Шу мақсадда беморлардаги чекиш, гиперхолестеринемия, семизлик, қондаги С реактив протеин даражаси, шунингдек гипертония, юрак ишемик касалликлари (ЮИК), аритмия кабилар билан касалланиш даражасини баҳоланди. Текширув Допплер ултратовуш текшируви В режимида умумий уйқу артериялари ИМК ни аниқлаш орқали амалга оширилди.

Натижалар. Юрак-қон томир касалликларида хавф омилларини тарқалиш жараёни таҳлили шуни кўрсатдики, текширилган беморларнинг 50 фоизида гипертония касаллиги, 17,3 фоизида камхаракатлик, 8,2 фоизида чекиш, 14,3 фоизида семизлик, 38,8 фоизида гиперхолестеринемия аниқланган. ТСД билан касалланган беморларнинг умумий уйқу артерияси интима медиа қалинлигини аниқлашдан олинган натижаларга кўра, ўнг уйқу артериясида ИМК $0,948 \pm 0,016$ мм ва чап уйқу артериясида $0,947 \pm 0,016$ мм ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларнинг патологик ўсиши ($>0,9$ (mm)) беморларнинг деярли ярмида - 45 (46%) кузатилди. Беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичлар таҳлил этилганда, ИМК нинг ўртача қиймати 35-40 ёшли беморлар гуруҳида ўнг уйқу артериясида $0,796 \pm 0,019$ мм, чап уйқу артериясида $0,795 \pm 0,019$ мм, 41-45 ёшлилар орасида ўнг уйқу артериясида $0,9 \pm 0,04$ мм, чап уйқу артериясида $0,9 \pm 0,04$ мм, 46-50 ёшлиларда ўнг уйқу артериясида $0,97 \pm 0,03$ мм, чап уйқу артериясида $0,97 \pm 0,03$ мм ва 50-60 ёшли беморлар гуруҳида бу кўрсаткич ўнг уйқу артериясида $1,01 \pm 0,02$ мм ва чап уйқу артериясида $1,01 \pm 0,02$ мм ни ташкил этди. Таҳлил шуни кўрсатдики, ИМК қалинлиги беморларнинг ёшига тўғридан-тўғри боғлиқ ($r = 0,64$). ИМК $> 0,9$ ммга ўсиши 50-60 ёшдаги беморларнинг 40 (63,8%) нафаридан кузатилди. Текширув жараёнида 12 (12,2%) нафар беморда умумий уйқу артериясининг стенози аниқланди. Ўнг уйқу артериясида $1,14 \pm 0,028$ мм, чап уйқу артериясида $1,13 \pm 0,035$ мм ни эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларнинг тизимли склеродермия билан касалланган гипертония касаллиги мавжуд беморларда 17,8% га, юрак ишемик касаллиги бор бўлган беморларда эса 25,4% га ўсиши аниқланди. Шунингдек, SCORE шкаласи бўйича юрак-қон томир хавфи юқори гуруҳдаги ТСДли беморларда ИМК нинг қалинлиги 0,9 мм дан юқори кўрсаткичларда эканлиги аниқланди.

Хулоса. ТСД билан оғриган беморларда атеросклероз ривожланишининг эрта прогнозини аниқлашда умумий уйқу артериясида ИМК ўрганиш, SCORE шкаласи бўйича юрак-қон томир хавф гуруҳини аниқлаш каби муҳим аҳамиятга эга.